Дунёнинг кетиши, турмушнинг окишида шундай вокеалар пайдо бўладирким‚ у вокеаларга ўхшаш холлар ундан бурун хам кўрулиб ўтади.

Ана шу вактларда махмадона, чечан кишилар чикиб «тарих такаррур килаётир», деб шовкун-сурон килиб юборадилар.

Мен махмадона хам эмасман, чечан хам. Шовкун-сурон килмок хам кўлимдан келмайдир. Мен, ўзинг билган Фаргонанинг баъзи бир ахволларини, эски котибларнинг калами кандай секин юрса, шундай секинлик билан ховликмасдан, шошилмасдан сизга ор килиб этмакчиман.

Шу холос.

Фаргонанинг 1919 ва 20-йиллари эсингизда бордир. Фаргонада оккон хакли ва хаксиз конларнинг хиди Тошкент, Самаркандларни эмас, Москва, Ленинградни хам тутиб кетди. Шунча кон тўкилган жойда, албатта, вокеа эмас, ходисалар бўлуб турадир.

Ходиса ва вокеалар шу кадар тез ва шошилишлик билан юз кўрсатадирларким, уларни тарих бетларига жойлаб колмок хам жуда кийин бўладир.

Фаргонада хам шундай бўлди. Кечаги вокеалар бугун эсдан чикди. Эртанги вокеа олдида илгари кунгиси хеч нарса бўлмай колди. Акллар, хатто шу вокеаларга гувох бўлатургон бир тарих борлигини ўз доираларига сигдира олмай колдилар.

Шундай вактда бизнинг буюк бир хиссиётли адиб ва шоиримиз чикиб, ўшал вокеаларнинг хаммасини адабий томоша, нафис пьеса холида тарих бетларига накш килиб колмокчи бўладир. Журъатни, жасоратни каранг!

Хамза Хакимзоданинг 6—7 бўлакдан иборат валуолалик (сенсационний) «Фаргона фожеалари» ана ўшал ховликишнинг мевалари эди. Томошачи муаррихимиз ўз асарларини ўшал вактда «тарих учун оддий бир матириёл» деб ўйлагон эмас. Хатто, муни даъво килиб чикканлардан жуда каттик хафа бўлгон. «Фаргона фожеалари» муаллифининг фикрича Шекспирнинг «Хамлет»» «Макбет», «Рўмеў ва Жулет» ларининг ўзбек ва Фаргона мухитидан етишганларигина эди; шунинг учун унда юксак мафкурали кизлар, юкори тушунчали аллакандай Талъат афандилар бор эди.

Ўшал вактнинг оммаси халки хам кизик. «Фаргона фожеалари» дедими, 5000 киши сигатургон кенг сахналарга хам одам лик тўла берган. Муни кўрган муаллиф, «кимматлик, «нафис» асарларини кенг Туркистоннинг у бошидан бу бошигача кўтариб бориб, ўйнатиб юрган...

Орага «Чигатой гурунги» деган бир жамият чикиб колди. У жамиятга мансуб кишилар тилни соддалаштирмак максадини асос килиб ушлаганлари холда, ўзбек адабиётининг тугалланишига хам катта ахамият бердилар. Тугалланадургон адабиёт чин адабиёт

бўлмоги керак. Шунинг учун адабий асарларга хакикий кийматини бериб, адабиёт кира олмагон нарсаларни шафкатсиз суратда майдондан хайдай бошладилар. Ана шу харакатнинг зарбига учрагонлар орасида, Хуршид Шарафнинг «Кичик аскар»и (ўзича: «Кучук аскар») билан бирга бизнинг «Фаргона фожеалари» хам бор эди.

«Чигатой гурунги» асосини махкам кургонлиги ва чизикни тўгри чизгонлиги учун — ўзи йўк кетса хам ўзбекнинг янги адабиётида янги, порлок, шарафлик сахифалар очди ва очмокда давом этадир.

Лекин, курук вокеаларни ингичка, нозик адабий йўл билан кўрсатмак истаган «Фаргона фожеалари» ўшал вактларнинг ўшал вактдаги хабар (хроника) ларидан бошка нарса бўла олмадилар. Шунинг учун 20-йиллардаёк мотамсизгина кўмулдилар.

Тарихнинг такарруримикан?

Якинда Кўкон (Фаргона музофотининг пойтахти) шахарининг кўчаларида бир хитобнома кадар узун, Бухородаги «Анас» ёки «Улуг Туркистон» газетасининг тилидек «курама» бир эълон ўкудим. Эълонда: бир-икки соатлик мукаддима (тўгриси, реклам!) дан сўнг «Фаргона фожеалари»нинг сахнага кўйилгуси хабари берилган. Хайрон бўлдим, шошдим. Нима учун шошдинг дейсизми? Бу дунёда «ўликларнинг кайтадан тирилишига» ишонмагоним учун! Шу учун хайрон бўлиб шошкон эдим, локин «Рахимбоев» тиётрининг пардаси очилиб, «босмачи» ва «дошнок» сўзлари эшитилгандан сўнггина «ўликларнинг тирилмаги мумкин бўлгонлигига» ишондим.

Пьесадан гапириб ўлтурмайман. Пес ва мохов килиб ўйнолгонидан хам сўз очмайман. У кунги ўйинга ўшал ўзингиз билган «атокли актриса» Кузнецова хам оралашгон эди. Оврупо асарларида бир овруполи киз рўлини кандай ўйнаш лозим бўлса бир ўзбек кизи рўлини Фаргона сахнасида шундай ўйнагон Кузнецова у кун сахна олдига чикиб гапирган бир ўрток томонидан жуда кўб махталди. Шу жойни сизга билдириб ўтмасам бўлмайдир. Ўзи оддий бир хизматчи бўлгони холда, «Истамбул дорилфунуни муаззинлари»дек гапиратургон бир дошнок армани рўли хам бор. Бу рўлни ўйнаган «Уста» артист арман-озарбайжон тилларининг хусусиятидан шу кадар хабарсиз эдики, ўшал вакт дошнокларининг зулмларини кўрсатмак билан эмас, тилларини бузуб, масхара килиб гапирмак билан уларнинг адабини берган бўлди... Баракалла, бу хам катта хунар! Мен, у тўгрида кўп гапирмокчи эмас эдим. Баъзи бир удур-будур ерларини кўрсатиб ўтаман деб, хийла вактингизни олдим. Меним асл тўхталмок истаган нўктам шудирким, шу пьесани шу холда ўйнамок билак ишга киришган шу театр тўдаси, махаллий маблагнинг таъминотига ўтказилар эмиш деган гап бор. «Фожеалар»нинг муаллифи ва тўданинг рухи бўлгон Хамза Хакимзода ўртогимиз, атай шу иш учун Хевадан чакирилиб келтирилган. Хамза ўртокнинг ўзи хам хусусий бир гаплашиш вактида «шу тўгрида 20—30 кишилик исмета тузиб музофот ижрокўмига топширмокчи бўлгонини» айтиб ўтди.

Ўзбек театрини тиргизмак, ўзбек санъатини яшатмок йўлида Фаргона музофот ижрокўмининг жиддий харакат кўрсатиши — олкишга лойик иш. Лекин шуни билмак керакким, ўзбек театр ва санъати бу хил санъатдан йирок асарлар ва санъатга 1919 йил кўзи билан карайдургон тўдалар томонидан тиргизилиб, яшатила олмас. Бу мухим ишни

ёш кучларга, санъатни тўгри кўриб таний оладургон кучларга топширмок керак.

Шубхасиз, Хамза ўрток ўзбек театрининг, ўзбек санъатининг юксалишида мухим бир омил бўла оладир, уни бу сохада ишлатмак керак. Лекин унга билдирмак, тушундирмак керакким, ўзбек театрини, Туркистоннинг марказида собик «Карл Маркс» тўдаси бошлагон тўгри йўл билан олиб бормок керак. Бу тўгри йўлга тушгани унамасалар тарихни курамаслик билан «такаррур» кидирмокчи бўлсалар, сахнани вокеаларнинг курук бир хабарлар бобидан иборат килмок истасалар— уларга хох махаллий маблаг ва хох бошка маблагдан бир чака бериш керак эмас.

19-йилнинг «фожеафурушлик» даври ўтган ва тарихнинг бу «такаррури» биз учун зарарлик!..

________________

Тарихнинг зарарлик такаррури. — «Туркистон» газетасининг 1924 йил 14 октябрь сонида эълон килинган. Гарчи маколада сахна асари хакида гап кетса-да, унда муаллифнинг адабий-эстетик карашлари ёркин ифодасини топгани учун мазкур бўлимга киритдик.

Такаррур — арабча, такрор сўзининг кўплиги.

«Фаргонанинг 1919 ва 20-йиллари эсингизда бордир» — Кўкон мухториятининг конуний хукумати большевиклар томонидан махв этилгач, Фаргонада бирин-кетин дахшатли хунрезликлар содир этилди: Кўконнинг вайрон килиниши, дашноклар киргини, миллий гururини ва миллий эркини химоя килиб чиккан эрксеварлар (яъни босмачилар) билан уруш, дахшатли очарчилик... Чўлпон айни шу нарсаларпи эслатмокчи бўлади.

Волуолалик — сенсацион, шов-шувга сабаб бўлувчи.

Хуршид Шараф — асл исми-шарифи Шамсиддин Шарафиддинов (1892—1960), Хуршид тахаллуси билан ижод килган, шоир, драматург, таржимон, театр ташкилотчиси. Ўзбек музикали драмасининг асосчиларидан.

«Бухородаги «Анас» ёки «Улуг Туркистон» газетасининг тилидек «курама» бир эълон ўкудим» — эслатилаётгап газеталарнинг биринчисида тожик, иккинчисида татар тилига хос сўз ва сўз формаларшшиг ишлатилганига ишора килинмокда.

«Атокли актриса Кузнецова» — Мария Кузнецова (1899—1956), ўзбек театрининг биринчи актрисаларидан, ЎзССР халк артисти. 1918 йилдан Хамза бошчилигидаги «Ўлка сайёр сиёсий труппаси»да ўйнаган. 1921 —1925 йилларда Кўкон театрида, 1925 йилдан то умрининг охирига кадар хозирги Хамза театрида ишлаган.

«Истанбул дорилфунуни маъзунларидек гапиратургон...» — дорилфунун лекторларидек гапирадиган.